Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ҒАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ★ 14 сентябрь 1968 йил, шанба ★ № 216 (14.078). ◆ Баҳоси 2 тийин.

40 ЧАВАНДОЗ МАРРАСИ

ТЕРМИЗ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Сариосиёлик комсомол ва ёшлар ВЛКСМнинг 50 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш юзасидан ўз устларига конкрет мажбуриятлар олдилар. 30 минг тонна пахтани ёки етиштирилган ҳосилнинг 60 процентини «зангори кема»лар билан териб олишга қарор қилинди.

«Партия XXIII съезди» колхозининг моҳир механик-ҳайдовчиси Омон Мамадалиевнинг ватанпарварлик чақириғини район комсомол ва ёшлари бир оғиздан қўллаб-қувватладилар. Мавсумда 200 тонна «оқ олтин»ни бункердан тўкишга сўз берган бу жасоратли комсомол аъзосининг нидосига 40 нафар ёш механизатор «лаббай» деб қўшилди. Уларнинг ҳаммаси мавсумда 200 - 250 тоннадан пахтани пўлат этаклардан тўкишга сўз бердилар. Калинин номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Турди Чориев эса районда энг юқори мажбурият — 300 тонна пахтани машинада териб бериш мажбуриятини олди.

Совет раҳбарлари Италия саноат виставкасида

«Сокольники» маданият ва истироҳат боғида очилган Италия саноат виставкаси москваликлар орасида катта муваффақият қозонмоқда. 9 кун ичида бу виставкани қарийб 350 минг киши келиб кўрди.

Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, М. С. Соломенцев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, В. Н. Новиков 13 сентябрда Италия саноат виставкасини келиб кўрдилар.

СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Е. Е. Алексеевский, ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари М. Р. Кузьмин, ташқи савдо министрининг ўринбосари Н. Д. Комаров, Бутуниттифоқ савдо палатаси президиуми раисининг ўринбосарлари Ю. К. Приходов ва Е. П. Питевранов ҳам виставкада ҳозир бўлишган эди.

Италия Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Федерико Сенси, Италиянинг СССРдаги элчихонаси савдо маслаҳатчиси Д. Капелло ва виставканинг бош директори С. Пуччано изоҳлар бериб туришди. (ТАСС).

ИШЧИ АВЛОДИ

Ишчилар синфи-революцион, янги жамият қуриш учун курашда қон тўккан етакчи ва илғор синф. Совет ҳокимиятининг барпо этилиши, унинг юксалиши ва мустаҳкамланишида етакчи роль ўйнаган ишчилар синфи беш йилликлар даврида мамлакатимиз экономикаси ҳамда маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшди, қимматли ташаббусларнинг ташкилотчиси бўлди.

Эндиликда жасоратли ишчилар синфи коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдан иборат буюк вазифани адо этиш мусобақасининг олдинги сафида бормоқда. Мамлакатимиз халқ хўжалиги, фан ва техникаси ҳамда маданияти эришган ютуқларда ишчилар синфининг беқиёс ҳиссаси бор.

Мустаҳим Юсупов республикамиз машинасозлари даврасида катта иззат-икромга сазовор одам. У ана шу шарафга муяссар бўлгунча улкан, мураккаб йўлни босиб ўтди. Завод дарвозасига яқинлашганда ярқираб турган ишчилик гувоҳномасини биринчи бор кўрсатгани ҳали-ҳали унинг ёдида. Гувоҳномада Мустаҳимнинг сурати ва унинг ёнида «ёрдамчи ишчи» деган сўзлар бор эди.

У катта коллективга аъзо бўлиб кирганидан жуда хурсанд эди. Чунки Ўзбекистон машинасозлигининг тўнғич корхонаси эндигина тикланаётган, тажрибали ишчилар қаторига қўшилиш Мустаҳим учун ҳақиқий бахт эди. Катта-кичик қатори корхонани тиклашда қатнашди, тажрибаларни ўрганди, дастлабки маҳсулот ишлаб чиқариш дақиқаларининг қатнашчиси бўлди. Кекса ишчилар Мустаҳимга ғамхўрлик қилдилар. Ишчилик шарафини аъзозлашни, касб ўрганишни, экономиканинг юксалишига муносиб ҳисса қўшишни ўзининг бирдан-бир бурчи деб билди. Мана эндиликда Мустаҳим Юсупов жаҳонга донги кетган Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташсельмаш» заводининг ном чиқарган мастери, фидокорона ишлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган киши.

Ишни шогирдликдан бошлаб, касбини пухта ўзлаштириб олган бундай кишилар республикамиз саноат корхоналарида, қурилиш майдонларида, транспорт тармоқларида, конларда кўплаб топилади. Қашқа воҳасининг Косон қишлоғида туғилиб ўсган йигитча Хайрулла Темиров олдин пармалочига шогирд тушган. Ўз малакасини ва билимини тинмай ошириб борган кончи йигит ҳозир катта бир участкага бошчилик қилмоқда. Ўлкамиз ер ости бойликларини қазиб олиш соҳасидаги баракали хизматлари учун Хайрулла Темиров ҳам Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган шарафли номга эришди.

Республикамиз экономикаси тез суръатлар билан юксалиб бормоқда. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш-техника кўрсатгичларини яхшилаб боришда кадрлар ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. КПСС XXIII съездининг қарорларида саноатимиз учун муносиб ўринбосар кадрлар етиштириб чиқариш ҳақида кенг программа белгилаб берилган. Республикамиз халқ хўжалиги ҳар йили кўплаб малакали ишчилар ва мутахассислар олмоқда. Лекин булар ҳали халқ хўжалигимизнинг бугунги эҳтиёжи учун етарли эмас. Ишчи корхона коллективига турли йўллар билан келиб қўшилади. Бири мактаб партасидан келса, иккинчиси қизиққан касбини эгаллаш учун малака ҳосил қилгани устозлар бағридан жой топади. Яна бошқаси ишлаб юради-ю, астойдил бирор касбнинг кетидан қувлашга ботинмайди. Ана шунда партия ташкилотлари, тажрибали ишчилар катта роль ўйнайдилар. Ҳаётда чинакам ўрнини тополмай, корхонага келиб-кетиб юрган ва келажакда қайси касбни эгаллашини билмаган ёшларга улар ёрдам қўлини чўзишлари лозим. Шунда улар ёшларнинг ғайрат-шижоатини тўғри йўлга солган бўладилар, улар учун бир умрга устоз бўлиб қоладилар. Бундай ғамхўрликни ёшлар сира-сира унутмайдилар.

Тошкент тўқимачилик комбинатида ишчиларнинг ўқиши, уларнинг малакасини ошириш яхши уюштирилган. Бу ерда ишлаб чиқариш-техника курсларининг машғулотлари ҳар томонлама пухта йўлга қўйилган. Илғор тажриба мактаблари, бригада усулида шогирдлар тайёрлаш, ёшларни тажрибали ишчиларга бириктириб қўйишдан самарали фойдаланилмоқда. Шу йил охиригача тўқимачилардан қарийб 3,5 минг киши ўз малакаларини оширадилар.

Бизда шонли ишчилар синфининг ёш авлодини — машинасозлар, кончилар, шахтёрлар, металлурглар, тўқимачилар, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи кадрлар тайёрлаш учун ҳамма шарт-шароит яратиб берилган. Бироқ саноат тармоқларининг касаба союз республика комитетлари, министрликлар ва корхоналарнинг маъмуриятлари малакали ишчи кадрлар тайёрлаш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмоқдалар деб бўлмайди. Бир қатор корхоналарда ишчилар малакасини ошириш курслари ташкил қилинмаган. Бундай курслар ишлаб турган жойларнинг баъзиларида машғулотлар мунтазам ўтмайди ёки номигагина ўтказилади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, фабрикалар, заводлар, қурилишлар, шахталардаги малака ошириш курслари тармоқлари илғор тажриба, прогрессив технология, янги техника соҳасида эришилган ютуқларимизни астойдил пропаганда қилмайди. Баъзан ўқув курслари малакасиз ўқитувчилар ва инструкторлар қўлига топшириб қўйиладики, бундан ҳеч бир манфаат кутиб бўлмайди.

Партия, касаба союз ташкилотларининг жонажон вазифаси ВЦСПС Президиумининг ишчи кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида яқинда қабул қилган қарорини амалга ошириш учун тинмай кураш олиб боришдан иборат. Қарорда таъкидланадики, касаба союз комитетлари хўжалик органлари билан ҳамкорликда корхона ҳамда ташкилотлардаги ўқув курсларини, комбинатларини, пунктларини, кабинет ҳамда лабораторияларни зарур ускуналар, механизмлар, асбоблар, ўқув қуроллари билан таъминлаб, машғулотларнинг юқори савияда ўтказилишига эришишлари лозим. Ишчининг ғоявий поклиги марксизм-ленинизм таълимотига садоқати, оталар ва боболарнинг яхши анъаналарини давом эттиришдаги қатъияти, билими ва тажрибаси — мана шуларнинг ҳаммаси уларнинг хўжалик соҳасидаги вазифаларимизни муваффақиятли бажаришда яна ҳам фаол қатнашишларини таъминлайди.

Министрликлар, корхоналарнинг маъмуриятлари, партия ва касаба союз ташкилотлари, айниқса профессионал-техника таълими давлат комитети коммунизм ишига садоқатли, техника тараққиёти учун дадил курашувчи; онгли, билимдон серғайрат муносиб ўринбосарларимизни етиштириш учун ҳамма тадбирларни кўришлари керак.

ОЧИЛГАН ПАХТА—ЧАНОҚДАН ХИРМОНГА!

НАМАНГАН областидаги «Гулбоғ» совхозининг механизаторлари бу йил 4200 гектар ердаги пахтани машинада териб оладилар. Совхозда машина терими бошланди. Суратда: терим агрегатлари группа усулида пахта термоқда.

Е. Корниенко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Бухоро область Свердлов районидаги «Коммуна» пахта пункти ҳар куни колхозлардан 250 тоннага етказиб «оқ олтин» қабул қилмоқда. Суратда: пахтани механизация воситасида бунтга тўкиш пайти.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР ТОПШИРИЛДИ

Сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида пахта териш ва давлатга сотиш бўйича юқори кўрсаткичга эришганлиги учун Бухоро областига ва шу областнинг Қоракўл районига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари берилган эди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри ўртоқ Н. Ж. Худойбердиев яқинда шу байроқни Бухоро областига топширди. Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қ. Муртазоев кўчма Қизил байроқни қабул қилиб олар экан, область меҳнаткашлари байроқни ўз қўлларида сақлаб қолиш учун пахта йиғим-теримини янада кучайтирадилар, деб ишонч билдирди.

Ўша куни Қоракўл районига ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

ШОЛИ—ДАВЛАТГА

Орол бўйининг жанубидаги қир ерларда мўл шоли ҳосили пишиб етилди. «Партия XXII съезди» ва Чапаев номли ихтисослаштирилган совхозлар Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб, етилган шоли карталарини ўришга киришдилар.

Автоном Республика хўжалигидаги шоли майдонлари бу йил 800 гектар кенгайди. Чўлқуварлар 12800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан машиналар билан 35 центнердан шоли олишни мўлжаллаб турибдилар. Еппасига шоли ўримига 250 комбайн ва кўпдан-кўп бошқа ўрим машиналари тахт қилиб қўйилди.

* * *

Ўзбекистондаги бир қанча ғаллакор областларнинг комбайнчиларидан катта бир группаси ўз хўжаликларида ғалла ўрим-йиғимини тугаллаб, жанубий Орол бўйидаги ихтисослашган хўжаликлар механизаторларининг мўл ҳосилни ўриб-йиғиб олишида ёрдам бермоқ учун Қорақалпоғистон Автоном Республикасига келишди. Совхозларда ҳурматли меҳмонлар хушнудлик билан кутиб олинди. Уларнинг ҳаммасига ишлаш учун яхши тайёрланган терим техникаси — комбайнлар ва ўроқ машиналари топширилди.

4.100.000 тонна учун

Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1968 йил 13 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан бери

Қашқадарё	1,08	7,46	0,22	0,51
Фарғона	1,28	6,34	0,03	0,05
Бухоро	0,98	5,74	0,20	0,35
Сурхондарё	0,94	5,29	0,08	0,19
Наманган	1,05	4,60	0,28	0,56
Андижон	0,85	3,79	—	—
Қорақалпоғистон АССР	0,50	1,91	—	—
Хоразм	0,43	1,46	—	—
Сирдарё	0,42	0,43	—	—
Тошкент	0,08	0,20	—	—
Самарқанд	0,01	0,04	0,02	0,02
Республика бўйича	0,70	3,28	0,05	0,10

Республика областларида ғўзаларни дефолиация қилишнинг бориши тўғрисида 1968 йил 13 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — дефолиация қилинган майдон (гектар ҳисобида), учинчи стун — мажбуриятга нисбатан (процент ҳисобида)

Тошкент	83.827	41,9
Қашқадарё	26.207	40,3
Қорақалпоғистон АССР	51.313	36,7
Бухоро	56.738	35,5
Сурхондарё	35.696	29,7
Сирдарё	91.663	27,8
Хоразм	22.452	22,5
Андижон	33.627	21,0
Наманган	19.455	19,4
Самарқанд	20.534	12,8
Фарғона	18.455	11,2
Республика бўйича	459.967	27,0

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КЕТИБ ҚОЛГАН ДЕПУТАТЛАР ЎРНИГА АЙРИМ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА ҚЎШИМЧА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Тошкент шаҳридаги 29-Фурманов округидан, Андижон областидаги 169-Қатортол округидан, Самарқанд областидаги 284-Каттақўрғонариқ ва 303-Ленин округларидан кетиб қолган депутатлар ўрнига Ўзбекистон ССР Олий Советига қўшимча сайлов 1968 йил 13 октябрь якшанба кунига тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1968 йил, 13 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ТАЖРИБА УМУМЛАШТИРИЛДИ

Халқаро темаларда лекция ўқийдиган лекторларнинг уч кунлик республика семинари 12 сентябрда Тошкентда ўз ишини тамомлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва «Билим» жамияти ташкил қилган бу семинарда машғулотлар «В. И. Ленин ва ҳозирги халқаро аҳволнинг актуал проблемалари» деган темада ўтказилди.

Низомий номидаги педагогика институтининг кафедра мудири Р. Норжигитов «Социалистик ҳамдўстлик тўғрисидаги Ленин ғоялари ҳамда жаҳон социализм системасининг актуал иқтисодий ва сиёсий проблемалари» деган лекция ўқиди. Москвадаги жаҳон хўжалиги ва халқаро муносабатлар институтининг старший илмий ходими Р. Тузмуҳамедов ўз докладини ҳозирги босқичда идеологик кураш масаласига бағишлади. СССР Фанлар академияси Осиё институтининг илмий секретари К. В. Малаховский пропагандистларга Тинч океан ҳавзасида империалистик давлатлар юргизаётган сиёсат ва ана шу районда миллий озодлик кураши проблемалари тўғрисида гапириб берди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари В. Т. Сизранцев «В. И. Ленин пропагандист, лектор, нотиқ» деган темада лекция ўқиди.

КПССнинг пролетар интернационализмининг ленинча принциплари негизида жаҳон коммунистик ҳаракат бирлигини ва жипслигини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган кураши, ҳозирги босқичда миллий озодлик ҳаракатининг актуал проблемалари ҳақида ва бошқа темаларда ҳам лекциялар ўқилди.

Семинар қатнашчилари халқаро темаларда лекция ўқийдиган лекторларни тайёрлаш, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш, лекцияларни рецензия қилиш тажрибаси билан ўртоқлашдилар.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИДА

БУХОРО («Совет Ўзбекистони» мухбири). Область партия комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарори асосида область партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида обкомнинг биринчи секретари ўртоқ Қ. Муртазоев докладини тинглади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан конкрет тадбирлар белгилади.

Т. НАЗИРОВ.

* * *

НАМАНГАН («Совет Ўзбекистони» мухбири). Область партия комитетининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарори асосида область партия ташкилоти олдида турган вазифалар ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Бу ҳақда область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Хўжаев доклад қилди.

Пленум муҳокама қилинган масала бўйича муҳим тадбирларни ишлаб чиқди.

А. МАДУМАРОВ.

ҚЎШ ҚАНОТ

1.700.000 тонна БУНКЕРДАН

Мана, бир неча йилдирки, хўжалигимиз деҳқонлари терим машиналарининг қадр-қимматига етадиган, унинг куч-қудратига ишониб иш қиладиган бўлиб қолдилар. Мен бу гапларни бежиз айтаётганим йўқ. Бундан бир неча йил муқаддам йиғим-терим айни бошланган пайтда бригада бошлиқлари колхоз правлениесига келиб, кўпроқ қўшимча куч беришни талаб қилишарди. Лекин терим машинасидан гап очилса, ўзларининг нўноқликларини, машинанинг қадр-қимматига тушуниб етмаганликларини тан олиш ўрнига, турли баҳоналарни рўкач қилишарди.

Республикамиз партия ташкилоти пахтачиликни комплекс механизациялаш, айниқса ҳосил йиғим-теримини машиналаштириш миқёсларини кенгайтириш йўлини қатъият билан ўтказган ҳолда, колхоз ва совхоз кадрларини машиналарга ихлос қўйиш руҳида тарбиялашга ҳам жуда катта эътибор қилдилар. Бу ўзининг қувончли натижаларини беряпти.

Ҳозирги вақтда хўжаликларда пахтачиликда ишлатиладиган механизмларнинг, хусусан терим агрегатларининг қадрига етмайдиган, ундан мумкин қадар кенгроқ фойдаланишга интилмайдиган одам қолмади десам хато қилмаган бўламан. Илгарилари пахта йиғим-терими бошланган пайтда келиб кўпроқ қўшимча куч беришни талаб қиладиган бригада бошлиқлари энди терим машинаси беришни илтимос қиладиган бўлиб қолишди. Чунки, пахтачилигимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида кимки кўпроқ майдондаги ҳосилни машиналар билан териб олса, ўша ютяпти, аксинча, кимки машина теримининг аҳамиятига етарли баҳо бермаса, машиналарнинг қувватидан тўла фойдаланмаса ва ҳосилни қўл кучи билан териб олишни ўйласа, ўша ютқизяпти.

Эндиликда терим машиналарининг жуда катта қудратли куч эканлигини, улар нималарга қодир эканлигини ҳамма яхши билади. Ахир битта машина билан мавсумда 75-80 теримчи терадиган пахтани йиғиб олиш мумкин. Бу терим машиналари ҳосил йиғим-терими суръатини тезлаштиради, мавсум муддатини кескин қисқартиради, теримда меҳнат унумдорлигини мисли кўрилмаган даражада оширади, давлат планини ва олинган мажбуриятни тезроқ бажариш имкониятини беради демакдир. Буни колхозимизнинг ўтган йилги тажрибасидан яққол кўриш мумкин. Биз ўтган йили терим машиналарига таянганлигимиз туфайли авжи йиғим-терим палласида ҳар куни давлатга йиллик планнинг 3 проценти миқдорида ва ундан ҳам кўпроқ пахта топширишга муваффақ бўлдик. Барча етиштирилган ҳосилни жуда қисқа муддатда саранжомлаб олдик. Бунинг устига пахтанинг сифати яхши бўлди, унинг кўп қисмини биринчи сортга топширдик. Натижада пахтачиликдан олган даромадимиз илгариги йиллардагига нисбатан анча кўпайди.

Хўжалигимиз пахтакорлари ўтган йиллари машина теримини ташкил қилиш соҳасида тўпланган бой тажрибага таяниб, бу йил 1250 гектар майдондаги ҳосилни машиналар билан териб олишга қарор қилишди. Бу, бултургидан икки баравар кўпдир. Механизаторларимиз эса пландаги 900 тонна ўрнига 1300 тонна пахтани «зангори кема»лар бункеридан тўкиш мажбуриятини олишди.

Биз олдимизга қўйган ана шу вазифани тўла-тўкис бажарамиз. Бунинг учун мавжуд 19 та терим машинасининг ҳаммасини бутун мавсум давомида икки сменада ишлатамиз. Терилган пахтани пешма-пеш тайёрлов пунктларига ташиш учун 30 дан ортиқ прицепли тракторлар, ундан ортиқ автомашина тайёрлаб қўйилди.

Машина теримига кўриладиган тайёргарлик ишлари комплексида ғўзаларнинг баргини ўз вақтида ва сифатли тўктириш ҳақиқатан жуда катта аҳамиятга эга. Биз бу муҳим тадбирни бултургидан бир неча кун илгари бошладик ва дастлабки 600 гектар майдонда дефолиация ўтказдик. Қолган 650 гектар майдондаги ғўзаларнинг баргини тўктириш ишлари ҳам яқин кунлар ичида тугалланади.

Пахтакорларимиз ва механизаторларимиз 1755 гектар майдонда етиштирилган мўл ҳосилнинг ҳаммасини қисқа муддатда тўла териб олиш, йиллик планни 45 иш кунида, яъни 10 октябрда, мажбуриятни эса 1 ноябргача бажаришни мўлжаллашяпти. Бу соҳада, шубҳасиз, машина терими ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Машиналарни группа усулида ишлатамиз. Бу тадбир фақат терим техникасидагина эмас, балки пахтани коп-қанорсиз ташийдиган транспорт воситаларидан ҳам унумли фойдаланиш, далаларни ҳосилдан бир йўла тозалаш ва кузги шудгорлашни барвақт бошлаб юбориш имконини беради. Бундан ташқари, машиналар группа усулида ишлатилганда уларга техника қаровини яхши йўлга қўйиш, ҳар бир машинани тўхтовсиз ишлатиш ва у билан имкони борича кўпроқ пахта териш мумкин бўлади.

Пахтакорларимиз машиналарнинг қўш қанотлари деб [illegible]лишади. Уларга таяниб, 5500 [illegible]налик хирмонни тезроқ қад [illegible]тартиришади.

С. ҒАН[illegible]
Қоракўл районидаги «[illegible]ква» колхозининг раиси.

ПАХТАЧИЛИКНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРАМИЗ

КАТТА ЙЎЛДА

ЯНА ПАХТАНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ ҲАҚИДА ● ДЕФОЛИАЦИЯНИ ТАБАҚАЛАШТИРИБ ЎТКАЗМАГАН ПАНД ЕБ ҚОЛАДИ ● САБР-ТОҚАТ ҚИЛА БИЛИШ КЕРАК. ПАХТАНИ РОСА ОЧИЛТИРИБ, УНИ МАШИНАЛАР БИЛАН ФАҚАТ ИККИ ТЕРИШДА ЙИҒИБ ОЛГАН ЮТАДИ ● ЕТТИ СОАТЛИК ИШ КУНИ—ТЕРИМ УНУМИ ● ЁЗЁВОН ЗОНАСИДАГИ 12 ХЎЖАЛИК КОММУНИСТЛАРИ КАРЛ МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ТУТГАН ЙЎЛДАН БОРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИЛАР ● РАЙОННИНГ ҚОЛГАН ХЎЖАЛИКЛАРИ КЕЙИНГИ УЧ-ТЎРТ ЙИЛ ИЧИДА ПАХТА МАЙДОНЛАРИНИ МАШИНАГА МОСЛАБ ЙИРИКЛАШТИРИБ, ПАХТАЧИЛИКНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИГА ТУШИБ ОЛАДИЛАР ● ШУ ЙИЛНИНГ ЎЗИДА ЁЗЁВОН ЗОНАСИДАГИ ХЎЖАЛИКЛАРДА БУНКЕРЛАРДАН ТЎКИЛАДИГАН ПАХТАНИ ҚАРИЙБ 50 ПРОЦЕНТ КЎПАЙТИРИШ МУМКИН.

Ёдингизда бўлса, «Совет Ўзбекистони» газетасининг 20 август сонида Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли колхоз партия ташкилоти ва правлениесининг теримни ташкил қилиш тажрибаси «Пахтанинг ойдин йўли» сарлавҳали мақолада ҳикоя қилиб берилган эди. Шундан кейин Фарғона область партия комитети бу қимматли ташаббусни маъқуллаб қарор қабул қилди. Район партия комитетларига, колхоз ва совхоз партия ташкилотларига Карл Маркс номли колхоз коммунистларининг ташаббусини кенг муҳокама қилиш, шу асосда пахтани машинада теришни уюштиришда коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш ҳамда мавсумда теримни ташкил қилиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқишни топширди.

Ўтган кунлар ичида Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли комплекс механизациялашган колхоз ташаббуси областнинг жуда кўп хўжаликлари партия ташкилотларида атрофлича муҳокама қилинди. Ўнлаб хўжаликларнинг коммунистлари ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, янги мажбуриятлар олишди, ҳосилнинг 60-70 процентини машиналар билан териб олиш тадбирларини тузиб чиқишди. Бу жиҳатдан Карл Маркс номли колхозга қўшни бўлган ери, суви, шароитлари фарқ қилмайдиган Ёзёвон зонасидаги хўжаликлар партия ташкилотларининг белгилаган тадбирлари диққатга сазовордир.

Карл Маркс номли колхоз партия ташкилоти ва правлениесининг теримни ташкил қилиш тажрибаси ва бу йилги тадбирлари аввал Охунбобоев районининг қолган ҳамма хўжаликлари партия ташкилотлари йиғилишларида муҳокама қилиб чиқилди. Коммунистларнинг мулоҳазалари, истак ва таклифлари асосида теримни ташкил этиш тадбирлари тузилди. Район партия комитети эса бу масалани бюро муҳокамасига қўйишдан илгари колхоз раислари, партия ташкилоти секретарлари, агрономлар, экономистлар ҳамда инженерларни маслаҳат-кенгашга чақирди. Улар ери, суви, шароити бир хил бўлган Ёзёвон зонасидаги хўжаликларда пахтачиликни комплекс механизациялашни кейинги бир-икки йил ичида Карл Маркс номли колхоз даражасига кўтариб олиш учун нималар қилиш кераклиги, қандай имкониятлар борлиги, қанақа камчиликларга барҳам бериш лозимлиги ҳақида гаплашиб олдилар. Айниқса, бу йилги мавсумда машина теримини қандай ташкил этиш юзасидан қимматли фикр, мулоҳазалар айтилди. Биз ана шу маслаҳат-кенгашда айтилган айрим қимматли таклиф ва мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

Охунбобоев райони хўжаликлари машина теримига қизғин тайёргарлик кўраётирлар. Карл Маркс номли комплекс механизациялашган колхозининг пахта теримини қисқа муддатларда «зангори кема»ларда териб олиш ҳақидаги ташаббуси барча хўжаликларда қизғин муҳокама қилиниб, амалий тадбирлар белгиланди. Суратда: «Шарқ юлдузи» колхози инженери М. Охунов ва механик-ҳайдовчи Т. Жумаохунов ўртоқлар тайёр машиналарни яна бир бор кўздан кечирмоқдалар.

Ғ. Қосимов фотоси.

ИЛҒОР ТАЖРИБА — БАЙРОҒИМИЗ

«Ленинизм» колхози раиси Набижон **ТОШПУЛАТОВ**

Биз Карл Маркс номли колхоз коммунистлари билан кўпдан бери борди-келди қиламиз. Газетада ёзишганича бор. Ҳақиқатан ҳам улар жуда тўғри йўлга — пахтачиликни юксалтиришнинг ойдин йўлига тушиб олишган. Биз уларга эргашиб кам бўлмадик. Пахтачиликни комплекс механизациялашда улар тўплаган тажриба бизга жуда қўл келяпти.

Ўзларингизга маълум. Бизнинг колхоз районда энг кенжа хўжаликлардан. Ташкил топганига энди 6 йил бўляпти. Лекин илғорлар тажрибасини дадил жорий эта бошлаганимиз туфайли, тезда қаддимизни тутиб олдик, озми-кўпми яхши натижаларга эришдик. Бултур пахтанинг 53 процентини машиналарда териб олиб, кўзда тутилганидан ортиқ даромад олдик. Бизда ҳар бир колхозчи ҳисобига қарийб 3 гектардан ер тўғри келади. Салкам 7 тоннадан пахта етиштиришимиз керак. Шунинг учун ҳам биз қўшниларимиз тажрибасига суяниб, улар тутган йўлдан бораётирмиз.

Биз бу йил ялпи ҳосилнинг 60 процентдан ортиқроғини машиналар билан териб олишни планлаштириб қўйгандик. Куни кеча Карл Маркс номли колхоз партия ташкилоти ва правлениесининг ташаббусини муҳокама қилатуриб, биз машина теримини ташкил этишда қатор камчиликларга йўл қўйиб келаётганимизни сезиб қолдик. Бу йил бункерлардан тўкиладиган пахта миқдорини кўзда тутилгандан бир қанча ошириш имкониятлари бор экан.

Бизнинг энг катта камчилигимиз шуки, сабр-тоқат билан пахтанинг роса очилишини кута олмаймиз. Аввалига пахтанинг 50-60 процент очилишини кутишга астойдил ҳаракат қилиб кўрамиз. Лекин одам кучи кўп бўлган, машина теримига камроқ ер ажратган хўжаликлар теримга тушиб кетиб, сводкада илгарилаб кета бошлагач, юрагимизга ғулғула тушиб қолади. Хаш-паш дегунча улар 20-30 процент пахтасини териб қўяди. Бундан [illegible] беҳуда ташвишга тушамиз-да, чидай [illegible] кетиб пахта ҳали 30-35 процент очилмай [illegible]риб, пайкалга машиналарни киритиб юборамиз. Қарабсизки, бир теримда зўрға 6 центнер, нари борса 9 центнер пахта чиқиб турибди. Кейин бетоқатлик билан иккинчи теримни кутамиз. Сводкада илгарилаб кетган хўжаликларга етолмай, яна пайкалларга машина қўйиб юборамиз. Борингки, бир машина битта далага тўрт мартадан кириб чиқади. Ишнинг унуми қочади. Ортиқча сарф-харажат бўлади. Икки ўртадаги бетоқатлик қанча одамнинг асабини бузади. Машиналар тиним билмайди-ю, лекин бункерлардан кўзлангунча пахта тўколмайсиз.

Карл Маркс номли колхозда-чи? Пахта роса очилгунча сабр-тоқат қилишади. Пахта 60 процент атрофида очилгандан кейингина машиналар теримга тушади. Натижада биринчи теримнинг ўзида 15-18 центнердан, иккинчи теримда 8-10 центнердан пахта йиғиштириб олинаверади. Кейин кўрак терадиган машиналар ва подборщиклар ишга солинади. Шу тариқа бутун ҳосилни йиғиштириб олиш машина-механизмлар зиммасига юкланади.

Биз ҳам машина теримини ташкил қилишнинг мана шу синалган янги технологиясига ўтишимиз зарур экан деган қарорга келдик. Биз шу билан бирга механизаторларимизни етти соатлик иш кунига ўтказиб, машиналарнинг кунига икки смена давомида бетўхтов ишлашини таъминлашга келишиб олдик.

Шунда ҳар бир машина билан кунига ўртача 4 тоннадан, мавсумда эса қарийб 1600 тонна пахта териб олинади. Бу, ялпи ҳосилнинг 75 процентини ташкил этиб, ўтган йилдагидан 500 тонна ортиқ бўлади. Машина терими плани 20 иш кунида бажариб қўйилади. Шундай қилиб биз **ҳосилнинг 75 процентини машинада териб олиш билан** янги имтиёз ҳисобига **92700 сўм қўшимча соф фойда кўрамиз.**

ОҒИР ИШ — МАШИНАЛАР ЗИММАСИГА!

«Коммуна» колхозининг агрономи Нурмат **ТОЖИМАТОВ**

Тан олиш керак. Карл Маркс номли колхоз коммунистлари пахтачиликни комплекс механизациялашга астойдил киришиб, катта йўлга чиқиб олишди, Колхозни ҳақиқий намуна хўжаликка айлантиришди. Ҳаммаси астойдилликдан. Мен шундай деб тушунаман. Бизда-чи? Машина ҳам бор, шароит ҳам бор, механизатор кадрлар ҳам етарли. Аммо ўшандай астойдиллик йўқ. Яширишнинг нима ҳожати бор, теримни машиналар елкасига юклашга биз астойдил киришганимизча йўқ. Натижада пайкаллар ўтдан тозаланмай қоляпти, дефолиацияни табақалаштириб ўтказиш бузиляпти. Ўзимиздан қиёс. Ўтган йили Собир Раҳмонов, Ёрмуҳаммад Умматов бригадаларида машинага ажратилган майдонларнинг пахтаси қўлда тердириб юборилди. Сабаби — бу майдонлар вақтида ўтдан тозалаб қўйилмай, кейин машина киритилмади. Бу нимани кўрсатади? Машина теримига масъулиятсизлик, беҳафсалалик билан қаралганидан, астойдиллик йўқлигидан далолат бермайдими?!

Худди шу сабабдан бултур колхозда дефолиацияни табақалаштириб ўтказиш тартибига амал қилинмади, бир бошдан дори уриб кетилди. Бунинг орқасида тегишли жойларда ғўза баргининг тўкилиши кечикиб, барча машиналарни битта бригадага суришга тўғри келди. Кейин прицеплар етишмай, бункерлардаги пахталар уватларга тўкиб кетилди. Машина теримининг тартиб-қоидалари бузилиб кетди.

Партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида бу йил шундай камчиликларга йўл қўймаслик, машина теримини ташкил қилишда астойдил бўлиш масаласи кўндаланг қўйилди. Коммунистлар шуни талаб қилишмоқда.

Чунки бултур машина терими нисбатан яхши ташкил қилинган бригадаларимизда ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам яхши бўлди. Пахтасининг асосий қисми машинада терилган Аҳмаджон Ҳабиев, Мелибой Тешабоев сингари ўртоқлар бошлиқ бригадаларда колхозчилар ҳар иш кунига 3,5-4 сўм атрофида ҳақ олишди. Пахтаси қўлда терилган бригадаларнинг аъзолари эса ҳар иш куни ҳисобига 1-1,5 сўмдан даромад кўрдилар. Шунинг учун ҳам биз Карл Маркс номли колхоз ташаббусини муҳокама қилиб чиққандан кейин янги мажбурият олдик. Теримни ташкил қилишнинг конкрет тадбирлари белгиланиб, имкониятлар ҳисоб-китоб қилиб чиқилди. 19 та терим машинаси билан 1510 тонна пахта йиғиб-териб олиш планлаштирилди. Бу ўтган йили бункерлардан тўкилган пахтадан 618 тонна кўпдир. Биз яна бешта терим машинаси сотиб оламиз. Шунда бу йилги мавсумда ҳосилнинг 48 процентини бункерлардан тўкишга муваффақ бўламиз.

КОММУНИСТЛАР — ЯНГИЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

«Ленин йўли» колхози партия ташкилоти секретари З. **СИДДИҚОВ**

Менда битта таклиф бор эди. Бу масалада, кўпчилик мени қувватласа керак деб ўйлайман.

Гап шундаки, эртами-кеч ҳар бир колхозда коммунистлар пахтачиликни тўла комплекс механизациялашга эришишлари керак. Бу, ҳозир олдимизда турган муҳим вазифа. Ҳеч бўлмаганда, хўжаликларимиз яқин йиллар ичида Карл Маркс номли колхознинг ҳозирги даражасига чиқиб олиши лозим. Бунинг учун эса ҳозирдан машина теримини оқилона ташкил этишга ўрганиб боришимиз керакка ўхшайди.

Ҳозир нима бўляпти? Ҳамма хўжаликларда ҳам машина терими учун маълум миқдорда пахта майдонлари ажратилади. Лекин ҳамма вақт ҳам бу майдонларнинг пахтасини фақат машина механизмлар билан йиғиштириб олиш таъминланаётгани йўқ. Баъзи майдонларни ўт босиб кетиб, машиналар шу далаларга киролмаётир. Бошқа ерда бир теримдан кейин қолган пахта қўлда териб олиняпти. Яна бир жойда тўкилган пахтани теришга подборщиклар қўйиш ўрнига одам кучи ажратилмоқда. Баъзан қаерда яхши очилган пахта бўлса, у ўтдан тозаланганми, йўқми, машина теримига ажратилганми-йўқми, бундан қатъи назар, машина солиб юборилади. Қўйинг-чи, биз ҳали машинага ажратилган майдонлардаги пахтани охирги граммигача машина механизмлар ёрдамида йиғиштириб олишга муваффақ бўлаётганимиз йўқ. Тўғриси, бунга эътибор берилмаётир. Теримни ташкил қилишдаги бундай нотўғри практикага ҳозирдан барҳам беришимиз керак.

Колхозимиз коммунистлари кейинги йилларда ҳосилдорликни ҳам, машинада терилган пахта миқдорини ҳам ошириб боришмоқда. Кейинги вақтда хўжаликда ҳосилдорлик қарийб 10 центнер кўпайтирилди. 1966 йилда ҳосилнинг атиги 22 проценти машиналар билан териб олинган эди. Бултур бу кўрсаткич 37 процентни ташкил этди. Бу йил эса ялпи ҳосилнинг ярмини бункерлардан тўкиш тадбирларини кўраётирмиз. Биз коммунистларнинг бутун диққат — эътиборини бу йил машина теримига ажратилган 660 гектардаги бутун ҳосилни фақат машина механизмлар билан йиғиштириб олишга эришишга сафарбар этамиз. Терим Карл Маркс номли колхоздагидек ташкил этилади. Аввал пахта расо очилтириб асосий ҳосил машиналар билан икки теримда териб олинади. Кейин ўша пайкалларга кўрак терадиган машиналар ва подборщиклар туширилиб, қолган ҳосил йиғиштириб олинади. Бу келгусида қолган майдонларда ҳам пахтачиликни комплекс механизациялаш ишининг осон кўчишига яхши замин ҳозирлайди. Коммунистлар комплекс механизация, янгилик ижодкори, байроқдори бўлиши керак.

ЮКСАК УНУМДОРЛИК УЧУН

Охунбобоев номли колхоз раиси, республикада хизмат кўрсатган механизатор **А. ЛАТИПОВ**

Қўшниларимиз — Карл Маркс номли колхоз коммунистлари механизаторларни етти соатлик иш кунига ўтказишга келишиб олиб, жуда яхши иш қилишибди. Бошқача айтганда, буни жуда катта ички имконият дейиш мумкин.

Мен ўзим илгари терим машинасини минганман—биламан. Карл Маркс номли колхоз инженери Ҳакимов айтганидек, машинада пахта териш енгил иш эмас. Бир механизатор тўхтовсиз ишлаганда 6-7 соатгина унумли ишлаши мумкин. Кейин ҳар қандай одам ҳам толиқиб қолади.

Лекин терим машиналаримизнинг тенги йўқ, қуввати зўр. Вақтида техник қаровини ўтказиб турсангизми, тихирлик қилмай ишлай беради. Фақат абжир, машинани яхши бошқарадиган одамлар бўлса бас. Шу сабабдан ҳам терим агрегатларининг кунига 14 соатдан, яъни икки смена давомида бетўхтов ишлаши диққатга сазовор. Бу, терим машиналарининг қувватидан тўла фойдаланиш, уларнинг иш унумини 1,5-2 баравар ошириш деган гап. Биз ҳам шу мавсумда машина теримини ана шундай ташкил қилишга қарор қилдик. Бу нима беради? Мана, ҳисоб-китоб қилиб кўришимиз мумкин. Колхозда 41 та терим машинаси бор. Агар биз механизаторларимизни етти соатлик иш кунига ўтказиб, машина теримини икки сменада ташкил этсак, ҳар куни бир агрегат билан ўртача 4 тоннадан жами, 164 тонна пахтани бункерлардан тўкишимиз мумкин. Терим машиналаримиз шундай 20 кун ишлаб берса-чи, машиналарда 3280 тоннадан ортиқ пахта териб оламиз. Бу эса, пландаги пахтамизнинг нақд 64 процентини ташкил этади. Шунда ҳар бир машина ҳисобига 80 тоннадан пахта тушади. Машиналар билан бултургидан 1280 тонна кўп пахта териладн. Бундан ҳам катта ички имконият бўлиши мумкинми?!

ПАХТАНИНГ НУРЛИ ЙЎЛИ

Район партия комитетининг биринчи секретари Ғ. **НАЗИРОВ**

Бу маслаҳат-кенгашимизда жуда яхши гаплар бўлди. Терим машиналарининг қувватидан тўла фойдаланиш, машина теримига ажратилган майдонлардаги пахтани сўнгги граммигача машина-механизмлар билан йиғиштириб олиш, пахтани роса очилтириб, уни фақат икки теримда териб тугаллаш, сабр-тоқат ҳақидаги фикр-мулоҳазалар жуда қимматли. Набижон Тошпўлатов тўғри масалани ўртага ташлади. Ўтган йили кўп хўжаликларимизда раҳбар ўртоқлар сабр-тоқат қилолмай, пахта яхши очилмай туриб, машиналарни теримга туширишиб юборишди. Кейин эса терим машиналарини бир даланинг ўзига тўрт-беш мартадан киритишга мажбур бўлишди. Карл Маркс номли колхоз коммунистлари эса бундай практикадан тамомила воз кечиш билан катта натижани қўлга киритдилар. Биргина улар эмас, бошқа хўжаликларда ишнинг кўзини билиб, машина теримини тўғри ташкил этган бригадалар ҳам бўлди. Масалан, «Ленинобод» колхозидаги Қўчқор Акбаров бошлиқ бригада ўтган йили пахтани обдон очилтириб, кейин машина теримига тушди. Биринчи теримдаёқ гектар бошига 30 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Иккинчи теримда эса бункерлардан яна 12 центнердан пахта тўкилди. Оқибат натижада сарф-харажат кескин камайиб, бригада аъзоларининг даромади кўзлангандан ортиқ бўлди. Бригадада бир центнер пахтанинг таннархи 18 сўм 13 тийиндан тушди. Колхозчилар эса ҳар иш кунига 4 сўм 86 тийиндан ҳақ олишди. Бу—машина теримини тўғри ташкил этишнинг шарофати. Афсуски, ҳамма бригадаларимизда ҳам бунинг аҳамиятига ҳали тўғри тушуниб етишганича йўқ.

Агроном Нурмат Тожиматов астойдиллик ҳақида тўғри гапирди. Тан олиш керак. Биз машина теримини ташкил этишда астойдил эмасмиз, ҳаммамиз ҳам бу ишга жон жаҳдимиз билан киришмаймиз, жонбозлик кўрсатмаётирмиз. Ўтган йили кўп хўжаликларда ғўзани дефолиация қилиш тартиби бузилди. Машиналарнинг мавсумдаги иш унуми паст бўлди. Масалан, «Биринчи Май» колхозида терим машиналари яхши созланмасдан туриб, теримга тушиб кетди. Натижада мавсум ярмисига бормасдан тез-тез бузилиб, тўхтаб қолаверди. Бу йилги мавсумда бундай камчиликларнинг содир бўлишига ҳеч йўл қўймаслигимиз керак.

Ўтган йили «Узсельхозтехника» район бирлашмаси мутахассислари яхши бир иш қилишган эди. Эски «ХВС» машиналарига «ХТ-1,2» терим агрегатининг мотори қўйилиб, биринчи марта теримда синаб кўрилган эди. Ўзларингизга маълум, бу жуда яхши натижа берди, мотори алмаштирилган 62 та эски машинанинг иш унуми ҳар бирида 30 процентдан ошди. Бу йил қолган ҳамма терим машиналарининг ҳам моторини алмаштириб, ишга солишга эришишимиз керак. Бу ҳам бункерлардан тўкиладиган пахта хирмонини баланд қиладиган имкониятларимизнинг биридир.

Районимизнинг чўл зонасидаги 12 хўжалик коллективлари Карл Маркс номли колхоз ташаббусига қўшилиб, пахтани машинада териш юзасидан янги, оширилган мажбуриятлар олаётганини табриклаш керак. Район партия комитети бу хўжаликларга улар пахтачиликни юксалтиришнинг ойдин йўлига тушиб олишлари учун ҳар тарафлама ёрдам бераверади, ташаббускор партия ташкилотларини қўллаб-қувватлайверади.

Булар масаланинг бир томони. Биз районнинг Марғилон ва Тошлоқ зоналаридаги қолган 10 та хўжаликни ҳам пахтанинг ойдин йўлига чиқариб олишимиз керак. Ҳозир бу колхозларнинг ҳар бирида 10-15 тадан, ҳатто ундан ҳам кўп терим машиналари бор. Лекин уларнинг иш унуми ҳам паст. Чунки бу хўжаликларда машина терими талабларига жавоб берадиган пайкаллар жуда оз. Бу зоналарда бир карта ўртача бир гектарга ҳам бормайди. Майда-майда пайкаллар ҳаддан ташқари кўп. Уларни келгусида машина теримига мослаштириб йириклаштириш учун эса ҳар йили 500-600 минг туп тут кўчатлари экиш керак. Шунда уч-тўрт йилдан кейин пилла ҳосилини камайтирмаган ҳолда эски тут кўчатларини кўчириб ташлаб, карталарни яхлитлаштириш имкони очилади. Бу—ана шу хўжаликларда пахтачиликни комплекс механизациялашга ўтишга тайёргарликнинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Тегишли колхозларнинг партия ташкилотлари ва правлениелари ҳозирданоқ бу муҳим ишга киришишлари, конкрет тадбирлар белгилаб олишлари керак.

* * *

Маслаҳат-кенгашнинг эртасига Охунбобоев район партия комитетининг бюроси бўлиб ўтди. Райком бюроси Карл Маркс номли колхоз партия ташкилоти ва правлениесининг теримни ташкил қилиш юзасидан бошлаган ташаббусини муҳокама қилиб, Ёзёвон зонасидаги 12 колхоз партия ташкилотлари ва правлениеларининг машина теримини ташкил қилиш юзасидан ишлаб чиққан янги тадбирларини маъқуллади. Карл Маркс номли колхоз коммунистларининг ташаббусидан руҳланган бу 12 хўжалик коммунистлари ўз имкониятларини кўриб чиқиб, машина терими юзасидан оширилган мажбуриятлар олишди. Шу мавсумнинг ўзида «Ленинизм» колхозида ҳосилнинг 75 проценти, Охунбобоев номли ва «Коммунизм» колхозларида 60 проценти, «Ленин йўли», «Шарқ Юлдузи», «Биринчи Май» колхозларида 50 проценти, «Коммуна», «Иттифоқ» «Правда», «Москва», «Октябрь 50 йиллиги», «Партия XXII съезди» колхозларида 40-45 проценти терим агрегатлари ёрдамида йиғиштириб олинади.

Бошқача айтганда, ташаббусга қўшилган **12 хўжалик бу йил бункерлардан ўтган йилдагига қараганда 7000 тонна кўп пахта тўкади.** Бир йилнинг ўзида шу зонада машиналар билан териладиган пахта 50 процент ортади. Ёки ҳар бир машинанинг иш унуми ўртача 30 процент ошиши таъминланади. Ўтган йили ҳар бир машинада ўртача 57 тоннадан пахта териб олинган бўлса, бу йил 75 тоннага етказилади.

Шуларнинг ўзидан кўриниб турибдики, Ёзёвон зонасидаги Карл Маркс номли комплекс механизациялашган колхозга қўшни бўлган хўжаликларда теримни машиналаштириш учун катта имкониятлар бор. Яқин бир-икки йил ичида улар ҳам пахтанинг ойдин йўлига тушиб олиб, пахтачиликни комплекс механизациялаштирган хўжаликларга айланиб қолишлари мумкин. Улар тутган йўлнинг келажаги ёрқин.

М. МАНСУРОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Фарғона область мухбири.

ДЕФОЛИАЦИЯНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

Пахта теримини механизациялашда дефолиациянинг аҳамияти катта. Дефолиантлар ёрдами билан фақат ғўзаларнинг барги тўкилибгина қолмай, балки кўсакларнинг очилиши ҳам анча тезлашади. Дефолиацияни қай тартибда ўтказиш ва қайси дориларни ишлатиш кераклиги пахтакорларга яхши маълум.

Бу йил об-ҳавонинг ноқулай келиши сабабли чигит экиш бир мунча кечикди, айрим жойларда эса чигитни қайта экишга тўғри келди. Шунга қарамай, пахтакорлар агротехника қоидаларига амал қилиб, деярли барча майдондаги ғўзани нормал ўстириб ва ривожлантириб олдилар, мўл ҳосил етиштирдилар.

Шунга қарамай, ҳозир жойларда дефолиацияни ўтказишга турлича ёндошиляпти. Баъзи кишилар чигит бу йил кеч экилди, ҳосил ҳали тўла етилгани йўқ деб, дефолиацияни кечиктирмоқдалар. Тадбиркор деҳқонлар эса кўп йиллик тажрибага таяниб бу йилги шароитда ҳам дефолиацияни ўтказишга барвақт киришдилар ва уни жадал давом эттиряптилар.

Шуни унутмаслик керакки, чигит кеч экилганига қарамай, бу йил ҳам дефолиацияни барвақт ва сифатли ўтказиш. бу муҳим ишни ҳамма ерда 16-17 сентябрга қадар тугаллаш керак. Чунки шу муддатдан кейин ишлатилган дефолиантлар ғўза баргига яхши таъсир қилмаслиги ва уни тўла тўкмаслиги, оқибатда такрор дефолиация ўтказиш зарурати туғилиши мумкин.

Ҳозир асосий майдонлардаги ғўзалар серҳосил бўлишига қарамай, ҳали ёш ва дефолиантлар таъсирига чидамлидир. Ҳавонинг ҳарорати пасайса бундай ғўзаларнинг дефолиантлар таъсирига чидами янада кучаяди, натижада ғўзаларнинг барги яхши тўкилмайди ва кўсакларнинг очилиши кечикади. Ҳосилни машина билан тўла териб олиш мумкин бўлмай қолади. Ҳавонинг ҳарорати пасайганда дефолиантларнинг ғўзага таъсири нега камаяди, деган саволга келганда шуни айтиш керакки, ҳарорат баланд бўлганда дефолиантлар ғўза баргига яхши сингади, аксинча, ҳарорат пасайганда баргнинг мағзига ўтмайди ва уни тўла тўколмайди. Шунинг учун ғўза ҳавонинг ҳарорати юқори бўлган вақтда дориланса, бу даврда баргнинг дефолиантлар таъсирига сезгирлиги ортиқ бўлиши туфайли у ёппасига тўкилади.

Дефолиациянинг сифати яхши бўлиши учун дефолиантлар ғўза баргининг ҳаммасига тегиши ва таъсир этиши шарт. Дефолиант тушмаган барг эса тўкилмайди. Бунинг учун дефолиацияда ишлаётган самолётлар беш метрдан баланд учмаслиги керак. Беш метр баландликдан сепилган дорилар ғўза тупларининг орасидаги баргларга ҳам тушади ва барглар биринчи дорилашдаёқ тўла тўкилади.

Дефолиациянинг сифатли бўлиши яна унинг белгиланган вақтларда ўтказилишига ҳам боғлиқ. Айрим хўжаликларда кальций цианамиди самолётлар ёрдамида куннинг иссиқ вақтларида ҳам чанглатилади ва натижада барг яхши тўкилмайди. Кальций цианамиди эрталаб шабнам кўтарилмасдан, кечқурун эса шудринг тушишидан бир ярим-икки соат олдин сепилиши зарур. Дефолиацияни ўтказишда самолётлардан фойдаланиш имконияти бўлмаган пайкалларга дори сепиш учун хўжаликларда мавжуд бўлган «ОДН» ва «ОУН» аппаратларидан фойдаланиш лозим.

Ғўзаларнинг баргини сифатли тўктириш учун сигнализация системасини яхши ташкил қилиш, дори сарфлашни аниқ тартибга солиш, самолётларни фақат сигнализация ишораси билан учириш, дори эритмалари ва аралашмаларини инструкцияга биноан тайёрлаш даркор. Самолётларга ўрнатилган пуркагич ва чанглагичлар аниқ ишлаши керак. Ана шу оддий қоидаларга қатъий риоя қилингандагина ғўзаларнинг баргини ўз вақтида сифатли тўктиришга эришиш мумкин.

Бу йил республикамиз пахтакорлари такрор дефолиация ўтказишни ҳам бирга қўшиб ҳисоблаганда, 1 миллион 700 минг гектар майдондаги ғўзаларнинг баргини тўктиришни мўлжаллашяпти. Шу кеча-кундузда Сирдарё, Тошкент ва Бухоро областларининг кўпчилик хўжаликларида дефолиацияни тезроқ тугаллаш учун ҳаракат қилиняпти. Аммо умуман республикада дефолиация суст боряпти. Бу сусткашликка барҳам бериш ва дефолиацияни ҳамма жойда қисқа муддатда сифатли ўтказишга эришиш керак. Машина терими планининг муваффақиятли бажарилиши, кўп жиҳатдан шунга боғлиқ эканлигини унутмаслик зарур.

А. ИМОМАЛИЕВ,
биология фанлари доктори.

Ёшлар ижодидан

ТЎРТЛИКЛАР

Демагил қўлгоёқ синса ва дард зўр бўлса,
мушкулдир,
Дема қирқ йил фалаж ётсанг,
куннинг хўр бўлса мушкулдир,
Бу замонда ҳар не дардга шифо топмоқ йўли бордир,
Фақат бир дардга дармон йўқ: дилинг кўр бўлса
мушкулдир...

●

Созда тор эмас навогар, риштаи жон куйлагай,
Жўш уриб томирларинда оташин қон куйлагай,
Туни эриб, нур тафтидан ёнса шафақлар, билки бу—
Олама машъал бўлиб сўзона инсон куйлагай.

●

Дейдиларким, «Ушшоқ» одам исмидир, ўтмиш гадо.
Ғамгузор топмай, фиғон айлаб у бўлганмиш адо.
Шул сабабдин «Оҳга бефарқ бўлмагай инсон», дея
Сўнгги оҳ-ла дил ўтин у куйга этганмиш садо.

Ғулом ИСМОИЛОВ.

МУЗЕЙДАГИ ЎЙЛАРИМ

Бунда кураш борар бешовқин, бесас,
Ҳислар жангга кирар бунда рўбару.
Йўқ, музей эмас бу, жойки муқаддас—
Кеча ва бугундан яралган кўзгу.

Ҳар битта жиҳозда асрий бир ташвиш,
Узлатнинг мулкига айланган ҳаёт.
Серзарда замонлар бунда жой олмиш,
Энди-чи ойнага қамалмиш, ҳайҳот.

Асрлар тақдирни кўраман мамнун,
Мен суҳбат қураман кечмишим билан.
Баъзан шод, баъзида бўлиб бағри хун,
Юзма-юз тураман ўтмишим билан.

Кўзлар ошиқади, юрак бетоқат,
Бу тарих қўйнида бир умрим пинҳон.
Зотан, ўтган кунни унутган фурсат
Инсоний туйғуни тарк айлар инсон!

Маҳмуд АБДУЛЛАЕВ.

«СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ» ГАЗЕТАСИ КУРИК-КОНКУРСИ

ҚИШЛОҚ БИНОСИ

Қишлоқларимиз кундан-кун обод, гўзал бўляпти. Бош план асосида янги, кўп хонали уй-жойлар, жамоат бинолари қурилмоқда. Маданий-маиший хизмат объектлари қад кўтаряпти. Қишлоқларимиз тўла электрлаштириляпти, деярли ҳамма хонадонларда телевизор ўрнатилган. Дала меҳнаткашларининг турмуш шароитлари тобора яхшиланмоқда. Қишлоқ Советлари ва депутатлар, зиёлилар колхоз ва совхозлар маданиятини кўтариш учун жонкуярлик қилмоқдалар.

Буни бизнинг «Чимбойобод» колхози мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Кўп эмас, бундан 10-15 йил бурун ҳозирги қишлоғимиз ўрни қип-қизил чўл эди. Лалмикор ҳисобланиб, баъзи жойларига буғдой ва арпа экилар, ёнтоқ кўп ўсиши натижасида, ёғингарчилик камчил йилларда гектаридан сарфланган уруғча ҳам ҳосил олинмас эди. Дарғом каналининг суви Қораёнтоқ массивига оқизилиб, қанчадан-қанча янги ерлар очилди, боғ-роғлар, янги кўчалар пайдо бўлди.

Ҳар йили ерга ер қўшиляпти. Пахтабеда майдони тобора кенгайиб боряпти. Бу йил суғориладиган еримиз 2300 гектардан ошиб кетди. Кейинги беш йил ичида пахта майдонимиз 1500 гектардан 1800 гектарга кўпайди, ҳосилдорлик ошди. Ўтган йили 1750 гектар ернинг ҳар гектаридан 33,1 центнердан хирмон кўтардик.

Қишлоқ қурилишини кенг йўлга қўйиш, даставвал, колхоз экономикасига боғлиқ, экономика эса ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйиш орқали юксалтирилади. Шуни назарда тутиб колхозимиз пахтадан юқори ҳосил етиштириб, катта даромад қилмоқда. Колхозчиларнинг меҳнатига кўп пул тарқатиш билан бирга, бўлинмас ва резерв фондларга кўп миқдорда маблағ ажратилмоқда. Хўжалигимизда 1965 йилда бўлинмас фондга 225 минг сўм ажратилган бўлса, ўтган йили 370 минг сўм ажратилди. Энди бош план асосида колхоз қишлоғини шаҳардек обод қилиш, замонавий бинолар қуриш учун бизда маблағ етарли бор. Лекин қурувчилар талабимизни қондирмаяпти. Янги ҳаммом, аптека, клуб, ўн йиллик ва саккиз йиллик мактаблар, ошхона, болалар боғча-яслилари, дала шийпонлари, маиший комбинат бинолари қурилган бўлсада, бўлинмас фондимиздан самарали фойдаланилмаяпти. Кейинги уч йил мобайнида қурилиш учун ажратилган маблағнинг фақат 36 проценти фойдаланилди, холос. 1967 йилда қурилишга 387 минг ўрнига 170 минг сўм сарфланди. Ҳозир бўлинмас фондимизда 1055 минг сўм ва қурилишга ажратилган фондда қарийб 650 минг сўм пул бор. Демак, қишлоқларимизни обод қилиш, шаҳардагидек участка типида уй-жойлар қуриш, икки томони дарахтзор асфальт кўчалар ўтказиш учун ҳамма имкониятларга эгамиз. Агар ажратилган маблағларимиз тўла сарфланганда эди, қишлоғимиз янада обод бўлар, кўплаб уй-жойлар ва жамоат бинолари қад кўтарар эди. Афсуски, қурилиш ташкилотларининг айби билан бу иш суст боряпти.

Қурувчилар биноларни тез қуриб бермаётгани устига сифатига ҳам мутлақо эътибор беришмаяпти. Лойиҳалар қишлоқ шароитига, колхозчилар дидига мос эмас. Қурилган уйлар тор, қўшимча хоналари йўқ. Кўчиб кирмасданоқ поллари тоб ташлайди, дераза ва эшиклари яхши ёпилмайди. Қишда совуқ ва ёзда эса иссиб кетади. Шу нуқсонлар туфайли янги уйдан колхозчининг кўнгли айрамаяпти. Колхозимизда яқинда қуриб битказилган 102 та уйдан 76 таси бўш ётибди. Чунки улар сифатсиз қурилганидан ташқари, қишлоқ шароитига мос эмас.

Каттақўрғон район колхозлараро қурилиш бошқармаси хўжалигимизда кўп кишилик клуб ва правление учун идора қуриб берган эди. Қурилишга қанчадан-қанча маблағ сарфланди. Клуб қурилди-ю, орадан бир йил ўтгач усти қулаб тушди, вентиляция йўллари қўйилмагани учун поллари тез чириб кетди. Одам киришга хавфли бўлиб қолди. Эркин Турдиев прораблик қилган бу бино шу тариқа қуруқ савлат тўкиб турибди. Шундан кейин биз бир неча марта қурилиш бошқармасига мурожаат қилдик. Область ва район ташкилотларига ёздик. 1967 йил 26 августда алоҳида комиссия келди. У, қурилишни сифатсиз топиб, полларини қайтадан тиклаш, клуб устини тузатиш ҳақида колхозлараро қурилиш бошқармасига кўрсатма берди. Мана, бир йилдан ошдики, клуб бояги-бояги ча турибди.

Клуб қурилгандан кейин унда мириқиб дам оламиз деган умидда эдик. Афсуски бундай бўлиб чиқмади.

Биз қишлоқларимизда қад кўтараётган бинолар кўркам, юксак дидли кишиларимизга мос бўлиши тарафдоримиз.

Мукаррама АБДУРАҲМОНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, «Чимбойобод» колхозининг бригада бошлиғи.

Ҳайдар ЕРҚУЛОВ,
Каттақўрғон район советининг депутати, колхоз участка агрономи.

Турсун ХЎЖАЕВ,
колхоз экономисти.

Янгиликлар, ХУШХАБАРЛАР

КОМПЛЕКС ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ

Хоразм областидаги «Узсельхозтехника» район бирлашмалари комплекс хизмат кўрсатиш учун колхозлар билан шартномалар тузмоқда. Ана шу шартномаларга мувофиқ, пахтакорлар машиналарни техникавий парвариш қилиш, синган қисмларини тузатиш, шунингдек механизатор кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ишлардан батамом озод қилинадилар. Хива районидаги колхозларнинг ярми техникага хизмат кўрсатишнинг янги формасига ўтди.

Ташкил қилинган техника базаси тузилган шартномаларни муваффақиятли бажаришда «Узсельхозтехника» район бирлашмаларига ёрдам кўрсатади. Қишлоқ ремонтчиларининг ихтиёрида янги ускуналар билан таъминланган 400 дан кўпроқ кўчма устахона бор.

ТОҒДА ПАНСИОНАТ

Тоғдаги Кўкжар қишлоғида пансионат очилди. Ана шу пансионатни Навоий шаҳрининг корхоналари ташкил этдилар. Бу ерга йўл Ғаллаорол районининг хушманзара жойларидан боради.

Пансионатда пластмасса материаллардан йиғилган ўзига хос 58 та кўшк бор. Пансионатга яқин жойда икки ховуз, спорт майдончаси қурилди. Бу ерда кинотеатр ва қишки ошхона барпо этилмоқда.

Тошкентдаги махсус конструкторлик бюросининг ходимларидан Э. Жалилов, А. Фролов, Б. Яровинский ўртоқлар «Ташавтомаш» заводи базасида янги пахтачилик трактори яратиш устида ишламоқдалар. Чапдаги суратда конструкторлар иш устида. Ўнгдаги суратда эса, Фарғона азот ўғитлари заводи зарбдор қурилиш коллективининг меҳнати тасвирланади. Унда иссиқлик берувчи қозонни ўраш пайти кўрсатилган.

И. Глауберзон ва Г. Бойко (ЎзТАГ) фотолари.

ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

Хорур шаҳрини қуршаб олган қояли чўққилардан бирида мусаффо осмон узра СССР, Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларининг давлат байроқлари ҳилпираб турибди. «Дунё томи» узра бир неча кун ўзбек қўшиқлари янграб турди. Ернинг энг баланд жойида жойлашган қишлоқлар Ўзбекистон вакилларини жуда самимий кутиб олдилар. Бу учрашувларнинг ҳар бири ўзига хос унутилмас кунларга айланди.

Поршнев қишлоғи меҳнаткашларининг мезбонлиги, шод чеҳраларни унутиш мумкинми ахир? Қишлоқ Советининг раиси С. Абдулкаримов Ўзбекистон намояндаларини қизғин қарши олди.

— Сизлар водийда, бизлар эса баланд тоғ устида яшаймиз, деди у, — лекин бизларнинг тақдиримиз битта. Бизларнинг ватанимиз битта — у ҳам бўлса улуғ Совет Иттифоқидир.

Тоғликлар янги ўзбек кинокартиналари тўғрисида гапириб беришни илтимос қилдилар. «Ўзбекфильм» студиясининг директори А. Абдуллаев Ўзбекистонда яратилган янги фильмлар ҳақида ҳикоя қилиб берди. Адҳам Ҳамдам ўзининг Помир тўғрисидаги янги поэмасидан парча ўқиб берди.

Дўстона учрашувлар эстафетаси Тожикистоннинг Кулоб райони қишлоқлари орқали ўтди. Қурбоншайт посёлкасидаги Абу Али ибн Сино номли мактаб ўқувчилари Ўзбекистон вакилларини дўмбира ва карнайлар чалиб кутиб олдилар. Мактабда бошланган учрашув кечқурун колхознинг маданият уйи залида давом эттирилди.

Қўриқдаги Мастчоҳ районининг меҳнатчилари Ўзбекистон декадасига илгаридан тайёргарлик кўрдилар. Карл Маркс номли колхозда меҳмонлар келишига иккита бино — икки қаватли марказий кутубхона ва кенг чойхона бинолари қуриб битказилди. Мана шу чойхонада меҳмонлар ва меҳмондўст мезбонлар бир пиёла чой устида ер ҳақида, пахта ҳақида узоқ суҳбатлашдилар, аския ва мушоира кеч тунгача давом этди. Ўзбекистон санъат усталарининг бу ерда берган концерти радио орқали эшиттирилди. Сўнгра район маркази, Бўстонда кўпминг кишилик дўстлик митинги ўтказилди.

Тожикистоннинг энг жанубий қисми — Шаҳритуз пахтадан мўл ҳосил олиши билан машҳурдир. Ҳозир бу ерда «оқ олтин»ни йиғиштириб олиш мавсуми бошланди. «Коммунизм» колхозида Ўзбекистон вакилларини илиқ кутиб олдилар. Меҳмонлар Чкалов номли мактабда Алишер Навоий портретларини ва унинг ўлмас асарларига ишланган расмларни, шоир достонлари ва ғазалларининг турли йилларда босилиб чиққан нашрларини кўрдилар. Юқори синф ўқувчилари улуғ ўзбек мутафаккирининг 525 йиллигига атаб галерея ташкил қилдилар. Болалар катта концерт бердилар. Концертда ўзбек, тожик ва рус тилларида шеър ва қўшиқлар янгради. Район меҳнаткашлари учун Ўзбекистон санъат усталари берган концерт зўр муваффақият билан ўтди.

Душанбада Ўзбекистон санъат усталари — А. Навоий номидаги опера ва балет театрининг артистлари, хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамбли, республика эстрада оркестри зўр муваффақият билан томошалар кўрсатмоқдалар.

С. ФРОЛОВА,
Э. РАШИДОВ,
ЎзТАГ махсус мухбирлари.

ҲАММА НАРСА ИНСОН УЧУН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ «МАМЛАКАТДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ВА МЕДИЦИНА ФАНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ 1968 ЙИЛ 5 ИЮЛЬ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗ, ХЎЖАЛИК ВА МЕДИЦИНА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда соғлиқни сақлашни янада яхшилаш ва медицина фанини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги 1968 йил 5 июль қарорини амалга ошириш юзасидан партия, совет касаба союз. хўжалик ва медицина ташкилотларининг вазифалари тўғрисида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ В. Г. Ломоносовнинг докладини эшитиб ва муҳокама қилиб, республика партия активи йиғилиши шуни қониқиш билан қайд қиладиларки, Ўзбекистон меҳнаткашлари халқ хўжалиги, маданиятни ривожлантиришда, республика аҳолисининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишда йил сайин тобора янги ва катта ютуқларга эришмоқдалар.

Республика шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари кўпминг сонли медицина ходимлари армияси В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини беш йиллик планини 1970 йилнинг 7 ноябригача муддатидан илгари бажариш билан нишонлашга қаттиқ аҳд қилганлар.

«Ҳамма нарса инсон учун, инсон фаровонлиги учун!» — партиямизнинг ўз программасида эълон қилган бу шиори партия ва ҳукуматимиз бутун кўп қиррали фаолиятининг жанговар шиоридир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда соғлиқни сақлашни янада яхшилаш ва медицина фанини ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги 1968 йил 5 июль қарорини бажара бориб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кенгайтирилган қарор қабул қилдилар. Бу қарорда республика аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш юзасидан конкрет чоралар ва вазифалар ҳамда барча меҳнаткашларни мазкур қарорда қўйилган вазифаларни амалга оширишга сафарбар қилиш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг кундалик ёрдами туфайли, Ўзбекистон аҳолига медицина ёрдамини кўрсатишни таъминлаш жиҳатидан Шарқ мамлакатларидангина эмас, ҳатто юксак даражада ривожланган кўпгина капиталистик мамлакатлардан ҳам ўзиб кетди.

Республикада ҳозирги замон аппаратлари ва асбоб-ускуналари билан жиҳозланган медицина муассасаларининг кенг шохобчалари мавжуд, малакали медицина кадрларининг катта армияси тарбиялаб етиштирилди. соғлиқни сақлашнинг янги объектлари қурилишига ва даволаш-соғломлаштириш тадбирлари ўтказишга ажратилаётган маблағлар йил сайин кўпайиб бормоқда.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда умуман ўлим 5 баравар болалар орасида ўлим эса 10 баравар камайди. Кишиларнинг узоқ умр кўриши ўртача олганда 2 баравар дан зиёд кўпайди. Сўнгги саккиз йил ичидагина республика аҳолисининг стационар медицина ёрдами билан таъминланиши 2 баравар кўпайди.

Бироқ, партия, совет, касаба союз ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш органлари аҳоли сиҳат саломатлигини муҳофаза қилиш ишларини тубдан яхшилаш учун мавжуд бой имкониятлардан ҳамон суст фойдаланмоқдалар.

Кўпчилик соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнатни ташкил қилиш ва меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш маданияти кўнгилдагидек эмас. даволашнинг ва касалликларнинг олдини олишнинг илғор методлари ҳамон суст жорий қилинмоқда. Республика аҳолисига хусусан қишлоқ аҳолисига медицина ёрдами кўрсатиш сифати ва ҳажми шу кун талабларидан орқада қолмоқда.

Медицина фанининг баъзи бўлимлари бўйича тадқиқотларни ривожлантиришда ва фан ютуқларини соғлиқни сақлаш практикасига жорий этишда ҳамон орқада қолинмоқда.

Республика шаҳарларида, хусусан қишлоқ аҳолиси яшайдиган пунктларда санитария маданияти қониқарсиз аҳволда бўлиб экономиканинг ривожланиши ва меҳнаткашларнинг тобора ўсиб бораётган моддий фаровонлиги даражасига мос келмаётир.

Соғлиқни сақлаш объектлари қурилиши ишлари жуда ҳам қониқарсиз бормоқда, шу мақсадлар учун ажратилаётган капитал маблағлар, уюшқоқсизлик оқибатида. баъзан эса айрим партия, совет, қурилиш, лойиҳалаш ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш органларининг бепарволиги натижасида фойдаланилмай қолмоқда.

Медицина ходимларини тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда, соғлиқни сақлаш органлари учун раҳбар кадрлар танлашда ҳали кўп камчиликлар бор.

Республика аҳолисига медицина хизмати кўрсатишдаги жиддий камчиликларни бартараф қилиш ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда соғлиқни сақлашни янада яхшилаш ва медицина фанини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини сўзсиз бажариш мақсадида партия активи йиғилиши қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайди:

Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари медицина кадрларини тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни, ташкилотчилик ишларини кескин яхшилашлари, партия ва ҳукуматнинг республика аҳолиси сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишни яхшилаш ҳақидаги қарорларини бажариш учун масъулиятни ва уни назорат қилиб туришни оширишлари зарур.

Бошланғич партия ташкилотлари коллективнинг ишига актив таъсир кўрсатишлари, ходимларни топширилган иш учун масъулиятни чуқур ҳис қилиш руҳида тарбиялашлари, давлат интизомини мустаҳкамлашлари, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини, барча ходимларнинг ўз билимлари ва профессионал маҳоратларини оширишларига эришишлари керак.

Партия, совет, қурилиш ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш органлари соғлиқни сақлашнинг моддий базасини ҳамма чоралар билан мустаҳкамлашлари, соғлиқни сақлаш объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширилишига эришишлари, янги қурилиш ҳисобига ҳам турар жойлардан 5 процентини ажратиш ҳисобига ҳам медицина ва аптека муассасалари шохобчаларини кенгайтиришлари зарур. Ўз маблағлари ҳисобига медицина, болалар ва соғломлантириш муассасалари қураётган, медицина ходимларининг турмуши ва турар жой шароити тўғрисида ғамхўрлик қилаётган илғор колхозлар, совхозлар, корхоналарнинг қимматли ташаббусларини рағбатлантириш ва уни кенг ёйиш керак.

Партия, совет органларининг, министрликлар, идоралар, саноат корхоналари, совхозлар, колхозлар ва бошқа муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг аҳоли яшайдиган жойларнинг санитария жиҳатидан намунали бўлиши учун масъулиятлари кескин оширилсин. Санитария нормалари ва қоидаларини бузган раҳбарлар қаттиқ партия ва давлат жавобгарлигига тортилсин.

Соғлиқни сақлаш министрлиги ва унинг жойлардаги органлари республика аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш юзасидан қўшимча чоралар кўришлари керак. Амбулатория-поликлиника тез ёрдам ва касалхона ёрдами ҳажмини ошириш ва кенгайтиришга эришиш, мавжуд ўринлар шохобчаларидан оқилона, ишнинг кўзини билиб фойдаланиш зарур. Касалликни текшириш процесси аниқ ва яхши йўлга қўйилсин. даволаш ва касалликларнинг олдини олишнинг илғор методлари жорий этилсин, касалларни парвариш қилиш, уларнинг овқатланиши тўғри ташкил қилинсин, медицина ходимларининг маданияти оширилсин. Қишлоқ жойлардаги район ва участка касалхоналарини йириклаштириш ва ихтисослаштириш юзасидан кескин чоралар кўрилсин. Корхоналарда, қурилишларда, колхозлар ва совхозларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигининг аҳволи синчиклаб текшириб чиқилсин. профессионал касалликлар ва ишлаб чиқариш травматизмининг олдини олиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилсин ва таъсирли чоралар кўрилсин.

Дорихона муассасалари, ихтисослаштирилган медицина техникаси ва кўзойнак оптикаси магазинларининг, дори-дармонлар ва бошқа медицина буюмлари, гигиена предметлари магазинларининг шохобчалари анча кенгайтирилсин.

Медик олимларнинг куч-ғайрати касалликларнинг олдини олишга ва уларни даволашга, медицинанинг актуал проблемаларини ўрганишга қаратилсин. Олимларнинг практик ходимлар билан яқиндан ижодий ҳамкорлиги кучайтирилсин. Ҳар доим ҳамма янги, илғор кашфиёт ва усуллар кенг медицина жамоатчилигининг мулки бўлиб қолишига эр[illegible]шилсин.

Республика партия ташкилоти ак[illegible]вининг йиғилиши шунга қатъий иш[illegible] билдирадиларки, партия, совет, ка[illegible] союз ва бошқа жамоат ташкил[illegible] соғлиқни сақлаш органлари КПСС [illegible]казий Комитети ва СССР Минис[illegible] Советининг «Мамлакатда соғлиқн[illegible] лашни янада яхшилаш ва [illegible]цина фанини ривожлантириш тадб[illegible] тўғрисида»ги 1968 йил 5 июль қ[illegible] қўйилган талабларни бажариш[illegible] тун-куч ғайратларини сарфла[illegible] республика аҳолисига меди[illegible] ти кўрсатишни яхшилаш [illegible] нинг муносиб ҳиссаларини қўша[illegible]

ЎЗБЕКИСТОНДА ГДР МАДАНИЯТИ ДЕКАДАСИ ОЛДИДАН

ДРЕЗДЕНДАГИ ИЛМ МАРКАЗИ

Дрезденда жойлашган Техника университети Европадаги политехника олий ўқув юртларининг энг йирикларидан бири ҳисобланади. Бутун дунёга машҳур бўлган олимлардан профессор Андреас Шуберт, математик Цойнер, электротехник Баркхаузен ва қурувчи-инженер Байерлар бу институтни ташкил этиб, ўз фаолиятлари билан деярли 140 йиллик давр ичида ўқув юртининг халқаро обрўйини ғоятда ошириб юбордилар.

1945 йилда институтнинг 85 процент биноси Америка авиацияси томонидан вайрон қилиб ташланди. 1946 йилдан бошлаб эса бу ўқув юртида мисли кўрилмаган даражада қурилиш ишлари авж олдириб юборилди. Университет шаҳарчасининг майдони 15 гектардан 180 гектаргача кенгайтирилди. Ҳозир олий ўқув юртидаги 8 факультетда 50 га яқин мутахассисликни ўрганиб чиқиш мумкин. Университетда дунёдаги 57 мамлакатдан келган студент ва аспирантлар таълим олмоқдалар. Агар 1941 йилда бу илм даргоҳида 1200 студент ўқиган бўлса, 1965 йилда 18 мингга яқин киши таълим олди. Улар кундузги, сиртқи ва кечки бўлимларда ўқидилар.

Бу ерда борган сари назария билан амалиётни узвий боғлаб олиб бориш масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Зотан, таълим беришнинг бош принципи ҳам ана шундадир. Университетнинг социалистик саноат билан илмий-техник ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Бевосита халқ хўжалиги ишлаб чиқариши планига кирган 445 илмий иш мана шу ўқув даргоҳида ишлаб чиқилапти. Техника университетининг 14 олими ГДР тадқиқотлар Советининг аъзосидир. 23 олим эса Советнинг марказий ишчи секцияларига раҳбарлик қилмоқда. Дунёга машҳур физик, профессор аёл доктор Лизелотта Херфорт университетнинг ректори. У бу лавозимга 1965 йилнинг 29 октябрида кўтарилган эди. Л. Херфорт Германия университетларидаги биринчи аёл ректордир. У бир неча йиллар давомида университетнинг радиоактив изотоплар институтини бошқариб келди. Бу институт тошкўмир саноати, электр энергия ва электротехникада изотопларни қўллаш бўйича қимматли тадқиқотлар олиб борган.

Профессор Л. Херфорт ГДР Халқ палатаси ва Давлат Советининг аъзосидир. У атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши комиссиясида ҳам иштирок этади.





Дрезден шаҳридаги Техника университетининг студенти Петер Рихтер янги ўлчов қурилмасини ишга солиб кўрмоқда. (Юқоридаги сурат).

Яқинда Лейпциг шаҳрида немис темир йўлчиларига Совет Иттифоқида қурилган В-200 типидаги юзинчи тепловоз совға қилинди. Пастдаги суратда: ана шу муносабат билан уюштирилган митинг пайти тасвирланган.

АДН—ТАСС фотолари.

ЕР ОСТИ ЙЎЛИ

Турна қатор бўлиб елаётган автомашина ва автобусларнинг охири кўринмайди. Бундай пайтларда йўловчилар ҳар қанча шошилсалар ҳам яшил чироғнинг ёнишини кутадилар.

—Ер ости йўли ҳам битай деб қолибди-ку,—деди йўловчилардан бири ҳамроҳига.

—Трамвай тўхташ ерига беҳавотир, махсус зиналардан кўтариламиз, — суҳбатга қўшилади йўлнинг очилишини тоқатсизлик билан кутиб турган онахон.

Кўчанинг икки еридан бир-бирига параллель қилиб ўтказилган ер ости йўлида «Мострансгидрострой»нинг 447-қурилиш бошқармаси трестининг азамат қурувчилари ишламоқдалар.

—Йўл қурилишидаги бетон қуйиш ва темир-бетон плиталарини ётқизиш ишларини муддатидан икки ҳафта олдин тугатдик, — дейди комплекслашган монтажчилар бригадаси бошлиғи И. С. Гарашин. — Илғор қурувчиларимиз Г. Буркин, В. Шукаев ва В. Алимовлар жонбозлик билан ишлаб ойлик нормани 180-200 процентга етказиб бажардилар. Монтажлаш жараёнида газ, водопровод қувурлари ва электр кабеллари кўмилган жойлардаги қийинчиликларни енгишга тўғри келди.

Эндиги навбат безакчиларга. Улар тоннель йўли деворларини мармар тош плиталари ва ҳар хил шаклдаги гуллар билан нафислайдилар. Керакли барча асбоб-ускуна ҳамда хом ашёлар Москвадан ўз вақтида етказиб берилмоқда. Бу қурувчилар 1966 йили Тошкентда юз берган табиий офатнинг зарарли оқибатларини бартараф этиш учун биринчилар қаторида йўл олган эдилар. Улар шу кунгача, ер ости йўлидан ташқари Чилонзорнинг 26 кварталида йигирма километрдан зиёд катта ҳажмдаги канализация қувурларини ётқиздилар. Москваликлар сўнгги қурилиш—ер ости йўлини янги йилга қолдирмай, Октябрь революцияси байрами ҳамда шонли комсомолнинг 50 йиллик тўйи кунигача шараф билан бажаришга аҳд қилишган. Улар бу қурилиш объектидаги ишларни тугатиб, жонажон Тошкент билан хайрлашадилар.

Пойтахтнинг Шота Руставели ва Б. Хмельницкий кўчалари чорраҳасидаги ер ости йўлидан йўловчилар беҳавотиргина ўтиб, бу ердаги қардош грузинлар туҳфаси — «Дўстлик монументи»ни томоша қиладилар.

Шаҳримиз марказий кўчаларида бундай ер ости йўллари яна да кўплаб қурилади.

Х. НОСИРОВ.

М. А. НОСИРОВ—КЛИМЕНКО

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аппаратининг собиқ масъул ходими, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер Михаил Александрович Носиров-Клименко узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг шу йил 13 сентябрда вафот этди.

М. А. Носиров-Клименко 1910 йилда туғилди. Унинг 40 йиллик меҳнат ва жамоатчилик фаолияти кўп қиррали бўлди. У умрининг бир қанча йилларини пахтачилик учун ёш мутахассисларни ўқитиш ва тарбиялашга бағишлади, республика Маориф халқ комиссарлиги ва Юстиция халқ комиссарлигида ишлади, Тошкент область комсомол комитетининг секретари қилиб сайланди.

Носиров-Клименко Совет Армияси сафида 15 йилдан кўпроқ хизмат қилди, сиёсий иш олиб борди. У Улуғ Ватан урушида қатнашди.

Носиров-Клименко 1954 йилдан сўнгги вақтларгача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аппаратида ишлади.

Носиров-Клименко 1939 йилнинг декабрида КПСС сафига кирди. Партия, комсомол ва касаба союз органлари составига бир неча марта сайланди. У икки чақириқда Тошкент шаҳар Советининг депутати бўлди. У ўзининг меҳнат ва жамоатчилик фаолияти учун олти марта медаль ва беш марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Носиров-Клименко принципиал ходим, меҳрибон ўртоқ бўлиб, коллективда жуда катта иззат-ҳурмат қозонган эди. У бизнинг хотирамизда узоқ йиллар шундай кишн бўлиб сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Тошкент, Сирдарё области ва Фарғона водийсида ҳаво бироз булутли келади. Ёмғир ёғмайди. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида ҳавонинг ўзгариб туриши кутилади. Қолган жойларда ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Шимолий—Шарқдан секундига 3.7 метр тезликда шамол эсади. Шамолнинг тезлиги Фарғона водийсининг Ғарбида 7.12 метргача етади. Ҳарорат 23-28 даража иссиқ бўлади. Жанубда ҳарорат 35 даражагача кўтарилиши мумкин.

Тошкентда ҳаво очиқ келади. Ёмғир ёғмайди.

СПОРТ янгиликлари

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Куни кеча пайшанба оқшомида мамлакат биринчилиги учун навбатдаги тур футбол ўйинлари бўлиб ўтди. Шу куни Олмаота шаҳрида маҳаллий «Қайрат» командаси Куйбишевнинг «Крылья Советов» ўйинчиларини қабул қилди. Бу учрашувда меҳмонлар ҳужумчиси Юрий Старковнинг зарб билан тепган тўпи мезбонларни мағлубиятга учратди.

Ленинграднинг «Зенит» командаси билан «Локомотив» футболчилари ўртасидаги учрашув 1:1 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Бокунинг «Нефтчи» командаси мавсумда ўн иккинчи марта мағлубиятга учради. Бу галги учрашувда улар Ростовлик армиячиларга 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Одессалик Черноморецчилар Москванинг Динамочиларига меҳмон бўлишди. Учрашувда ҳар икки команда ўйинчилари ҳам бўш келишмади. Динамочи Козлов биринчи беш минутда меҳмонлар дарвозасига тўп киритиб ҳисобни очади. 43 минутда Мудрикнинг . . . ўз командаси дарвозасига зарб билан тепган тўпини Яшин ушлаб қола олмади. Ўйин 1:1 ҳисобида дуранглигича қолди. Кутаисида ўтказилган учрашувда майдон эгалари бўлган Торпедочилар Кировободнинг «Динамо» командасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

ТОШКЕНТЛИК ЧЕМПИОН

Куни кеча Львов шаҳрида 19—20 ёшли боксерларнинг «олимпиада умиди» мусобақаларида чемпионлик номини олиш учун қизғин курашлари бўлди.

Қардош республикалар, Москва ва Ленинграддан келган 171 дан зиёд чарм қўлқопли моҳир спортчилар куч синаш ва кичик олтин медални қўлга киритиш учун майдонга чиқдилар. Уларнинг қизғин курашлари уч кун давом этди. Ғолиблар ва совриндорлар ичида бизнинг ҳамшаҳримиз Р. Рихсиев ҳам бор эди.

Тошкентлик динамочи рингдаги яккама-якка олишувларда ўзининг чаққонлиги ва моҳирлиги билан ажралиб турди. У РСФСР, Арманистон, Грузия ва латвиялик рақиблари устидан муваффақиятли ғалабага эришиб, республикамизда «Биринчи қўлқоп» деб аталишига лойиқ иш қилди.

Ўзбекистонлик боксер бу мусобақа совриндори бўлиб қолди.

Л. ПАРПИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 10.00 — Шанба, кенуштадан сўнг, 10.40 — Тентак одам (бадиий фильм). 11.45 — Спорт («Ёшлик» студияси кўрсатади). 12.20 — Музикали саёҳат.

13.00 дан—Москва кўрсатади.

18.00 дан—Душанба кўрсатади.

21.30 дан—Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

16.00 дан—Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

21.30 — Шанба, кенуштадан сўнг (такрорий эшиттириш). 22.10 —Концерт (халқ ҳофизлари ижросида). 22.50 — Автомобилдан сақланг! (бадиий фильм).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/IX да Гули сиёҳ, 15/IX да Ёшликда берган кўнгил.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Лақма — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Зарба! Яна зарба! (кундуз ва кечқурун), Фантомас (кеч соат 8 яримда) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ».

Минг чақиримли йўл — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун)

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 ва 9.45 минутда бошланади)

Лақма — «ФЕСТИВАЛЬ».

Мен бу ерда бахтли эдим — «ХИВА».

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аппаратининг коллективи Президиум аппаратининг собиқ ходими, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер

Михаил Александрович НОСИРОВ-КЛИМЕНКОНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор этади.

* * *

Марҳумни дафн этиш маросими 14 сентябрь соат 15.00 да Чиғатой қабристонида ўтказилади.

Дон маҳсулотлари ва аралаш ем ишлаб чиқариш саноати министрлиги коллегияси, аппарати коллегия аъзоси Ф. А. Бобоевга укаси

Мақсуд БОБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шарқ» меҳмонхонаси коллективи инженер

Шокир Шукурович ШУКУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

СЛОВАКИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

ПРАГА, 12 сентябрь. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги хабар беради: кеча Братиславада Словакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг мажлиси бўлди.

Словакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Гусак Чехословакияда ва Москвада олиб борилган Чехословакия—Совет музокараларининг натижалари тўғрисида Президиумга ахборот берди. Шу вақтгача олиб борилган музокаралар шуни кўрсатадики, Москвада тузилган битимларнинг изчиллик билан бажарилиши бутун сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг аста-секин изга тушиши учун шарт-шароит яратиб беради.

Президиум ишчи группасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу группа Словакия Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми билан бирга майда миллатларнинг проблематикасини ишлаб чиқишни тугаллайди ва бу масалани Словакия Компартияси Марказий Комитетининг бўлажак пленумларидан бири муҳокамасига тақдим этади.

Президиумда матбуот, радио ва телевидениедаги ҳозирги аҳвол масаласи ҳам муҳокама қилинди. Кўпгина газета ва журналлар Москвада тузилган битимларга риоя қилиш юзасидан партия ва ҳукумат раҳбарлари сарфлаётган куч-ғайратни етарлик даражада қўллаб-қувватламаётир, бундан кейинги ривожланиш хусусида ЧССР меҳнаткашларини хавотирга солиб қўядиган мақолаларни босиб чиқармоқда. Шундай аҳвол бундан кейин ҳам сақланиб қоладиган бўлса, партия ва давлат органлари матбуот ходимларига нисбатан қаттиқ партиявий ва маъмурий чоралар кўришга мажбур бўладилар.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА энцефалит эпидемияси

ТОКИО, 12 сентябрь. (ТАСС). Жанубий Корея энцефалит эпидемияси тарқалаётган зона, деб эълон қилинди. 11 сентябргача у ерда ана шундай касаллик билан оғриган 606 киши рўйхатга олинди. Улардан 124 киши вафот этди. «Майнити» газетаси бугун шу ҳақда хабар беради.

ВЕНЕСУЭЛАДА СУВ ТОШҚИНИ

КАРАКАС. Венесуэланинг Гуарико билан Апура штатларидаги дарёлар тошиб [illegible] сабабли жуда [illegible] сув босди. [illegible] мингдан кўп[illegible] тушиб [illegible] 30 проц[illegible]роқ хонадонни вайрон қилди ва экинларни нобуд этди. 10 минглаб кишилар бошпанасиз қолди.

Табиий офат юз берган районда фавқулодда ҳолат жорий этилди. (ТАСС).

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

Жанубий Вьетнамдаги жанглар

ЛОНДОН, 12 сентябрь. (ТАСС). Икки кундирки Тэйнинь шаҳри ва унинг атрофида Жанубий Вьетнам ватанпарварлари билан Америка Сайгон қўшинлари ўртасида жанглар бормоқда. Сайгондан олинган хабарларга кўра, кеча Озодлик армияси отрядлари Жанубий Вьетнамнинг муҳим коммуникация маркази бўлган ана шу шаҳарнинг жанубий, ғарбий ва шарқий чеккаларини ишғол қилдилар. Бугун эрталаб Америка қўмондонлиги шаҳарга мадад қисмлар ташлади ва авиация ёрдамида ватанпарварларни улар ишғол қилган позициялардан қисиб чиқаришга уринмоқда. У ерга вертолётларда Сайгон денгиз пиёда қўшинларидан 600 солдат ташланди. Озодлик армияси отрядлари бунга жавобан бир қанча янги ҳужумларга ўтдилар ва Тэйнинь атрофидаги кўплгина қишлоқларни босиб олдилар.

Рейтер агентлиги мухбирининг Сайгондан хабар беришига кўра, бугун эрта тонгда ватанпарварлар Плейку шаҳри яқинидаги бир қанча Америка базаларини миномётлардан ўққа тутдилар.

Ватанпарварлар Меконг дарёси дельтасида, Кантхода Америка аэродромини оғир тўплардан ўққа тутдилар ҳамда душманнинг 9 та самолёт ва вертолётини шикастлантирдилар.

Суратда: Коста-Рика (АҚШ) даги «Юнайтед фрут» компаниясига қарашли корхонанинг тайёр маҳсулотларни жойлаштириш цехи. Бу ерда 8 минг меҳнаткаш каттиқ эксплуатация остида меҳнат қилади. Уларнинг кўпчилиги оғир касалликка мубтало бўлган.

Энрике Мор фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Синьцзян — уйғур ва тибет автоном районларида «революцион комитетлар» тузилганлиги Пекинда эълон қилинди. Шу билан, деб таъкидланади расмий ахборотда, «бутун мамлакатда ҳокимиятнинг янги органларини тузиш тамомланди». Бинобарин, конституция йўли билан сайланган халқ ҳокимияти органлари ва партия комитетлари тор-мор қилинди. Хитой пропагандаси буни «Мао йўлининг улуғ ғалабаси» деб кўрсатмоқда. Шу муносабат билан Пекинда ва Хитойнинг бошқа шаҳарларида занг чалиб, ноғора чалиб шовқин-суронли намойишлар ўтказилди.

Мао Цзэ-дун группаси жойларда ўз ҳокимият органларини тузар экан, даставвал кучли ролли кучларга таяниб иш кўрди. Шу сабабдан ҳам 20 дан ортиқ вилоятда «ревкомлар»га ё маҳаллий ҳарбий округ қўмондонлари ёхуд уларнинг ўринбосарлари бошчилик қилмоқда. Шунга қарамай, маоцзэдунчилар халқ ҳокимияти органлари ва партия комитетларини буткул ҳайдаб юборишларига қарийб икки йил кетди.

«Ревкомлар» тузилиб бўлган ҳозирги вақтда ҳам ҳамма вилоятларда уларнинг аҳволи мустаҳкам эмас. Вилоят газеталарининг «Мао йўлини» қўллаб-қувватлашни истамаётган кишиларга қарши чиқаётган кўпдан-кўп мақолалари шундан далолат беради. Газеталар «душманлар ўз курашининг тиғини революцион комитетларга қарши», «Раис Мао бошчилигидаги штабга қарши» қаратишда давом этмоқда, деб ёзмоқда.

«Чжэцзян жибао» газетасининг хабарига кўра, яқинда Фуян уездида «жиддий тўқнашувлар» рўй берган. Норози бўлган кишиларни бостириш учун у ерга ҳарбий қисм ташланган. Кўпгина шаҳарлардаги ҳарбий гарнизонлар кучайтирилган. Пекин раҳбарлигига хайрихоҳ эмас, деб шубҳаланган кишилардан қаттиқ ўч олинаётир. 3 сентябрда Гуйянда (Гуйчжоу вилояти) «янги тартибга» қарши, «ревкомларга» қарши чиққан бир группа кишилар устидан ҳукм чиқарилди. Уч киши ўлим жазосига, қолганлари эса узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

«Ревкомлар» тузиш тамомланганлиги теварагида маоцзэдунчилар кўтараётган шовқин-суронга антисовет гапларни ҳам қўшмоқдалар. Чжоу Эньлайдан сўнг ташқи ишлар министри Чэнь И дипломатик қабул маросимларидан бирида навбатдаги бўҳтонларни ёғдирди. Ҳали яқиндагина Чэнь Иға хунвэйбинлар илтифотсизлик кўрсатиб, ошкора ҳақорат қилган эдилар. У хунвэйбинлар олдида кечирим сўрашга, «ўз-ўзини танқид» қилиб чиқишга, ўз садоқатини исбот этмоқ учун маонинг сўзларини ёддаки ўқиб беришга мажбур бўлган эди. Ҳозирги вақтда Чэнь И ўзининг Маога хайрихоҳлигини исбот этишнинг энг тўғри йўли Чехословакия масаласи хусусида империалистик пропагандани қўллаб-қўлтиқлашдан иборат деб тушунса керак.

Чжоу Энь-лай билан Чэнь Иннинг бу хунук хатти-ҳаракатда жонбозлик кўрсатганликларига фақат ғарбдагина эмас, шу билан бирга чанкайшичилар доираларида ҳам муносиб баҳо берилди. Тайвань ва Гонконг газеталари Чехословакия масаласи хусусида Пекин раҳбарлари айтган гапларни маъқуллаб, цитата келтирмоқда, чунончи, Пекин билан Тайваннинг бу масаладаги қарашлари тўла мос бўлиб тушганлигини уқтириб ўтмоқда. Бангкокда Хитой тилида чиқадиган «Шицзе жибао» газетаси яқинда бундай деб ёзди: «Тайвань Мао Цзэ-дун группаси ўтказаётган бузғунчилик сиёсатини маъқуллайди, чунки бу бузғунчилик Европадаги, шунингдек, Осиёдаги эркин (капиталистик,— ред). дунёга ҳам сиёсий жиҳатдан, ҳам ҳарбий жиҳатдан фойда келтиради».

Ҳозирги вақтда маоцзэдунчилар билан чанкайшичиларнинг тутган сиёсати билан пропагандаси мослигини бошқа баъзи матбуот органлари ҳам қайд этмоқда. (ТАСС).

АЖОЙИБОТЛАР

ИККИ ҚАВАТЛИ... КЎЛ

ТРАНСИЛВАНИДА (Румыния) Совета номли кўл бор. Бу кўл сувининг устки қатлами совуқ бўлиб, чучукдир. Кўлнинг остидаги сув эса иссиқ ва шўрдир. Шу сабабли уни «икки қаватли кўл» деб аташади. Ёз ойларида кўлнинг остки «қаватидаги» сув 70 градусгача исийди. Бу сув қувурлар орқали кўл атрофидаги санаторийларга оқизилади.

ДУНЁДА ЭНГ МЕҲНАТКАШ...

АСАЛАРИЛАР бир килограмм асал йиғиш учун бир ярим-икки миллион акас дарахти гулига, тўрт-беш миллион ғунчага қўниши керак. Агар асаларилар ана шу гулларга қўниш учун учиб ўтган йўлни ҳисобласак, бу масофа Ойга учиб борганчалик масофани ташкил этади. Шундай қилиб, бир индаги асаларилар ёз ойларида Қуёш ва Ойга уч-тўрт марта бориб келишга тенг масофани учиб ўтишади.

МОЛИБДЕН ВА ҲОСИЛ

БУЛҒОР олимлари молибден микроэлементининг ҳар хил ўсимликларнинг ривожига таъсирини ўрганди. лар. Бир гектар ерга 100 грамм молибден солинганда у экинларнинг ҳосилдорлигини 480 килограмм аммиак селитраси солинганда ошадиган даражада оширди.

ҚУВУРДАН ОҚҚАН ДОРИ

КИШИ танасида фтор моддасининг етишмаслиги натижасида тишлар касалланади. Бу касалликнинг олдини олиш учун олимлар кишиларни фтор билан «озиқлантиришга» қарор қилдилар. Бунинг учун водопровод сувларига маълум миқдорда шу моддадан қўшилади.

КОИНОТНИНГ «АҲОЛИСИ» КЎПАЙМОҚДА

1958 йилнинг 31 декабрига қадар Ер атрофида 5 та йўлдош ва 2 та ракета учиб юрган эди. 1963 йилнинг 31 декабрига келиб уларнинг сони 84 ва 370 тага етди. 1968 йилнинг март ойида эса коинотда 300 га йўлдош, 800 та ҳар хил ракеталар учиб юргани аниқланди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26, Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия турмуши — В33469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31216, Халқаро ҳаёт — В37604, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34720, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалик — В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253 В30254, В30255, В30256, В30257, В30258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 22—82, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

Б. № — 216. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 02800.